

**ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ЖИНОЯТЛАРНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ НИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

*Невъматов Азизбек Голибжон ўғли**

Аннотация. Мақолада ишни судга қадар юритишда терговга қадар текширув, суриштирув ҳамда дастлабки тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш ишлари соҳа олимларининг фикрлари ва хуқуқни қўллаш амалиётидаги мавжуд муаммолар асосида таҳдил қилинган, уларнинг тушунчаси, мазмун-моҳияти, шунингдек тергов органларининг жиноятларни олдини олиш жараёнини тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатлар ўрганилган. Тергов органлари томонидан аниқланидиган жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар бартараф қилиш механизмига алоҳида эътибор қаратилган. Мақоланинг хуласа қисмida жиноятларнинг олдини олишда янги механизмни ташкил қилиш ва уни самарали режалаштириш, жиноятларни барвақт олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши ёритилган.

Калит сўзлар: жиноятларнинг олдини олиш, жиноятнинг сабаб ва шароитлари, хуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари, тергов профилактикаси, тақдимнома, жиноят муҳокамаси, жиноят сабаби, жиноятни содир этилишига имкон берган шарт-шароит, оқибат, объектив сабаб, субъектив сабаб, ҳодисаларнинг сабабий занжири, тергов профилактикаси, тақдимнома.

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕР ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ
ПРЕСТУПНОСТИ НА СТАДИИ ДОСУДЕБНОГО ПРОИЗВОДСТВА**

Аннотация. В статье на основе мнений ученых отрасли и существующих проблем в правоприменительной практике анализируется следственно-розыскная и профилактическая работа органов предварительного следствия до начала расследования по делу, находящемуся на рассмотрении суда. Изучены их понятие, содержание, а также правовые нормы, регулирующие процесс предотвращения преступлений, документы следственных органов. Особое внимание уделено механизму устранения причин преступлений и условий, сделавших их возможными. В заключительной части статьи поясняется, что организация нового механизма предупреждения преступлений и его эффективное планирование имеют важное значение для раннего предупреждения преступлений.

Ключевые слова: предупреждения преступлений, причины преступлений и

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ўқитувчиси. info@akadmvd.uz, azizbek_nematov_696@mail.ru

условия, виды предупреждения преступлений, предупреждение расследования, представление, уголовный процесс, причина преступления, условия, позволившие совершению преступления, последствие, объективная причина, субъективная причина, причинно-следственная цепь событий, предупреждение расследования, представление.

ORGANIZATION OF CRIMINAL PREVENTION MEASURES DURING THE PROCEEDINGS OF THE CASE BEFORE THE TRIAL

Annotation. The article analyzes the work of pre-trial investigation, inquiry and preliminary investigation bodies in the prevention of crimes in the pre-trial phase of the case based on the opinions of scholars in the field and existing problems in law enforcement practice, studies their concept, content, as well as regulatory and legal documents regulating the process of crime prevention by investigative bodies. Particular attention is paid to the causes of crimes identified by investigative bodies and the mechanism for eliminating the conditions that allowed them. The conclusion of the article highlights the importance of organizing a new mechanism for crime prevention and its effective planning, as well as the early prevention of crimes.

Key words: crime prevention, causes and conditions of crime, types of crime prevention, investigative prevention, presentation, criminal investigation, cause of crime, conditions that allowed the commission of a crime, consequences, objective cause, subjective cause, causal chain of events, investigative prevention, presentation.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг вазифалари қаторида жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим¹лиги белгиланган. Бу ҳуқуқий қоида суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан жиноятларнинг олдини олиш ишларини амалга ошириш учун бошланғич қоида ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Бугунги кунда жиноят оқибатлари билан курашишни эмас, балки жиноятчиликнинг асл омилларини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш орқали унинг барвақт олдини олишни устувор мақсадга айлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда” деган сўзларини келтириш мумкин².

Тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш чоралари ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий назарий асослари билан уйғун

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддаси <https://lex.uz/docs/111460>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.01.2024 йил куни қабул қилинган “Жамоат хавфсизлигини тъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги боскичга кўтариш чоратабдирлари тўғрисида”ги ПФ-10-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/6755597>

ҳисобланади, яъни ҳар икки тушунча мазмун-моҳиятига кўра бир-бири билан узвий боғлиқ ва ўзаро бир-бирини тўлдириб боради. Бироқ, таъкидлаб ўтиш лозимки, тергов органлари бутун бир профилактик фаолиятнинг асосини ташкил қилувчи, унинг йўналишларини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган жиноятнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларини аниқлашда муҳим ўрин тутади. Бу масалада рус олими И.Р.Веренчиков, терговчининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ўрганишнинг муҳимлиги, унинг жиноятлар ижтимоий профилактикасининг асосий субъекти эканлиги билан белгиланади, унинг дастлабки тергов босқичида жиноятнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича фаолияти жиноятлар ижтимоий профилактикасини амалга оширувчи бошқа субъектлар учун асос бўлиб хизмат қилади, деб таъкидлаб ўтган³.

Жиноят-процессуал хуқуқига оид ва бошқа юридик адабиётларда тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг тушунчасига алоҳида таъриф берилмаган. Бироқ, тергов органлари фаолиятининг асосини содир этилган жиноятларни очиш билан бирга жиноятларнинг олдини олиш ҳам ташкил қилади. Бунда тергов органлари томонидан жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини аниқлаш мажбурияти қонун ҳужжатларининг вазифаларидан бири бўлган жиноятларни олдини олиш чораларини кўришдан иборатdir⁴.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясини ишлаб чиққан хуқуқшунос олимлар жиноятларнинг олдини олишни жиноят процессининг асосий вазифаларидан бири сифатида қайд этиб, ушбу фаолиятни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашдан иборат, деб қайд этишган⁵. Фикримизча, жиноят-процессуал нуқтаи-назаридан мазкур таъриф тўлдирилиши лозим. Жиноят-процессуал кодексининг 297-моддасида: "...суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритади", -деб қайд этилган. Шу нуқтаи-назардан тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолияти нафақат жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, балки уларни бартараф қилиш бўйича процессуал чораларни кўришдан ҳам иборат.

³ Криминология: Учебник // под ред. проф. Малкова В.Д. – Москва.: 2004 г. стр.-3.

⁴ Немматов А. и др. ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЛARНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШИ ЮЗАСИДАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ //Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 215-223.

⁵ Ўзбекистон юридик энциклопедияси /нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошк. Т.:Адолат, 2010. Б. 184.

Жиноят ҳуқуқига оид юридик адабиётларда жиноятларнинг олдини олиш, алоҳида меъёр сифатида ҳуқуқий хулқ-атворни белгиловчи ҳуқуқий онг даражасини шакллантириш орқали ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этилмаслигини таъминлаш сифатида таърифланган⁶. Жиноий-ҳуқуқий нуқтаи-назардан мазкур таърифга қўшиламиз. Чунки, жиноят қонунчилиги орқали муайян хатти-ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарлик белгилаш орқали инсонларда ҳуқуқий хулқ-атвор меъёрлари шакллантирилади ва унинг чегаралари ўрнатилади.

Тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолияти доирасида аниқланадиган жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар юқорида қайд этилган жиноятларни олдини олишнинг ҳар икки йўналишида ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Фикримизча, тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини шартли равишда икки бир-бирига узвий боғлиқ бўлган босқичларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Биринчи босқичда тергов органлари томонидан дастлабки тергов жараёнида жиноятни содир бўлишига сабаб бўлган ҳолатлар ҳамда унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш вазифаларини киритсак, иккинчи босқичда уларни бартараф этиш, хусусан тақдимнома киритиш, унинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни киритамиз.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятига қуйидаги муаллифлик таърифини илгари суришни лозим деб ҳисоблаймиз, яъни *тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолияти бу – тергов ҳаракатлари ўтказилиш орқали жиноятларнинг сабабларини, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, шунингдек уларни бартараф қилишига қаратилган жиноят-процессуал хатти-ҳаракатлар мажмуудир.*

Тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш, олиб боришдан кўзланган асосий мақсадлар жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунларда белгиланган мақсадлари билан уйғундир. Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунларда белгиланган тартиби уч мақсадга хизмат қиласи: *биринчидан*, қонунийликни мустаҳкамлашга – яъни, жиноят ишларини юритишда Конституция ва қонунларнинг устунлигини эътироф этишга; *иккинчидан*, жиноятларнинг олдини олишга – яъни, судланувчи ва бошқа шахсларга ахлоқий-рухий таъсир кўрсатиб, улар томонидан янги жиноят содир этишининг олдини олишга, *учинчидан*, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга – жиноят-процессуал қонун хужжатлари жиноят туфайли зарар ёки зиён етган алоҳида

⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар // юридик фанлар доктори, профессор М.Х.Рустамбаев таҳрири остида. Т.:2009., Б.-4.

шахслар, давлат ёки жамият манфаатларини ҳимоя этишга, шу жумладан, етказилган моддий ва маънавий зиённи қоплашга хизмат қиласди⁷.

Фикримизча, тергов органларининг жиноятларни олдини олиш фаолиятининг мақсадларини қуидаги тартибда кенгроқ ифода этиш мақсадга мувофиқ:

- жиноятларнинг сабабларини аниқлаш ва уларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф қилинишини таъминлаш;
- фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, уларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш;
- ижтимоий хавфли қилмиш оқибатларини бартараф қилиш;
- ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва қонунийликни таъминлаш;
- жиноятларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш баробарида жиноятларни барвақт олдини олиш фаолиятини зарур ахборотлар билан таъминлаш;
- ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларнинг, бундай хатти-харакатларни содир этишга мойил бўлган шахсларнинг жиноий фаолиятларига чек қўйиш.

Қайд этиш лозимки, тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолияти юридик фан тизимида муҳим масала ҳисобланади. Айниқса, жиноят ҳуқуқи, жиноят-ижроия ҳуқуқи фанлари жиноятларни олдини олиш фаолиятининг ажралмас қисмини ташкил қиласди. Жиноят ҳуқуқи содир этилган қилмишнинг жиноят эканлигини аниқлаш ва шу жиноят учун жазо тайинлашни тартибга солса, жиноят-процессуал ҳуқуқи содир этилган жиноят юзасидан суриштирув, дастлабки тергов органларининг суриштирув ва тергов ишларини олиб бориш ишни судда кўриш билан боғлиқ бўлган фаолиятини тартибга солади. Жиноят ижроия ҳуқуқи эса, жиноят содир этганлиги муносабати билан жиноий жазога ҳукм қилинганларнинг жазосини ижро этишдан келиб чиқсан муносабатларни тартибга солади. Мазкур фанларнинг ўзаро боғлиқлиги, энг аввало, улар вазифаларининг, яъни жиноятчиликка қарши курашнинг умумийлигига ҳисобланади. Шундан келиб чиқсан ҳолда жиноят ҳуқуқининг ҳам, жиноят-ижроия ҳуқуқининг асосини ташкил қилувчи кодексларнинг асосий вазифаларида айнан жиноятларнинг олдини олиш қайд этилган. Жумладан, Жиноят кодексининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборат деб белгиланган⁸.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм (илмий-амалий шарҳ) / Масъул мухаррир: профессор Б.Х.Пўлатов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – Б.-7.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 2-модда

Жиноят-ижроия кодексининг вазифаларида эса жазо ижросини таъминлаш, маҳқумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш каби муҳим мақсадлар қайд этилган⁹.

Тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини самарали ташкил қилиш шахс, давлат ва жамиятнинг хавфсизлиги ҳамда саломатлиги учун ҳам бирдек долзарб ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан республикамизда жиноятларнинг олдини олиш чораларининг ҳуқуқий асослари тегишли қонунлар, фармонлар ва қарорлар билан мустаҳкамланган ҳамда такомиллаштирилб қелинмоқда. Бугунги қунда тергов органлари томонидан жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг икки муҳим, бевосита ҳуқуқий асослари, жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари янада такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 май куни қабул қилинган “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 3723-сон қарори билан жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида қуидагилар, *биринчидан*, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди, *иккинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди ва Ички ишлар вазирлигининг қуидагиларни назарда тутувчи “Электрон жиноят иши” дастлабки лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган жиноят ишларини юритиш тартибини босқичма-босқич рақамлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди, *учинчидан*, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идоралараро комиссия ташкил этилди ва унинг таркиби тасдиқланди, *тўртинчидан*, идоралараро комиссия ва “электрон жиноят иши” дастлабки лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳларнинг вазифалари белгиланди, *бешинчидан*, “электрон жиноят иши” дастлабки лойиҳасини амалга ошириш шартлари ва талаблари белгиланди¹⁰. Қайд этиш жоизки, ҳозирда республикамизда жиноятчиликка қарши курашиш, хусусан жиноятларнинг олдини олиш борасида жиноят ҳамда жиноят-процессуал қонунлардан ташқари бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам қабул қилинганки, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ташкил қилиши билан бирга, ушбу тизимда бутун бир механизм ишлашини таъминламоқда.

Афсуски, ҳуқуқни қўллаш амалиётида тергов органларининг

⁹ Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия кодекси 2-модда

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 май куни қабул қилинган «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 3723-сон қарори // <http://lex.uz/docs/3735818> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллый базаси.)

жиноятларнинг олдини олиш ишларини олиб борилиши ўрганилганда бир қатор муаммо ва камчиликлар аниқланди. Жумладан: ҳуқуқни қўллаш амалиётининг тергов органлари томонидан жиноятларнинг олдини олишга қаратилган ишлари таҳлил қилинганда киритилган тақдимномаларнинг бажарилиши ва уларнинг назорати билан боғлиқ бўлган муаммолар мавжудлиги яқъол намоён бўлди.

Тергов органлари томонидан аниқланган жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан киритилган тақдимномаларнинг ижроси таъминланмаган ҳолатлари афсуски йилдан йилга ортиб бормоқда.

Бундан ташқари, жиноятнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни тўлиқ аниқлаш ҳамда таҳлил натижаларидан келгусида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятида самарали фойдаланиш мақсадида тергов органлари томонидан аниқланган жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни ҳуқуқий статистика ва тезкор хисоб маълумотлар марказига жамланмасдан фақат “қофозда” қолиб кетмоқда. Суриштирувчи ва терговчи томонидан аниқланган жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрнатилган тартибда тизимлаштириб, келгусида профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиша улардан самарали фойдаланиш мақсадида тергов органлари томонидан тўлдириладиган 1.1-шаклдаги карточканинг янги намунаси зарурати вужудга келмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, тергов органлари фаолияти нуқтаи назаридан келиб чиқиб, жиноятларнинг олдини олишда янгича ёндашув ва механизм ишлаб чиқиш ва шу орқали жиноятчиликнинг хар қандай кўринишига қарши муросасизлик билан курашишга асос бўлиб хизмат қиласи. Хозирги вақтга келиб ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш ишларини ислоҳ қилиш, янги ва самарали механизмини ишлаб чиқишина тақазо этмоқда.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг Т.: 1994 й
2. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағищланган тантанали маросимдаги маърузаси.
3. Криминология: Учебник // под.ред.проф. Малкова В.Д. – Москва.: 2004 г. стр.-3.
4. Неъматов А. и др. ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЛARНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШИ ЮЗАСИДАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ //Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities.

– 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 215-223.

5. Ўзбекистон юридик энциклопедияси /нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошқ. Т.:Адолат, 2010. Б. 184.

6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар // юридик фанлар доктори, профессор М.Х.Рустамбаев таҳрири остида. Т.:2009., Б.-4.

7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм (илмий-амалий шарҳ) / Масъул мухаррир: профессор Б.Х.Пўлатов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – Б.-7.

8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: 1994 й

9. Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия кодекси. – Т.: 1994 й

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 май куни қабул қилинган “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 3723-сон қарори.